

# **АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ**

## **МУНДАРИЖА**

---

### **1-БЎЛИМ**

---

#### **I. КИРИШ ҚИСМИ**

- 1. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ**
- 2. ИШ РЕЖАСИ**

#### **II. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ**

- 1. КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**
- 2. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНING ҲОЛАТИ**
- 3. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ  
НАТИЖАЛАРИ**

#### **III. ЯКУНИЙ ҚИСМ**

- 1. АУДИТ ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФ ВА  
ТАВСИЯЛАР, АУДИТОР ФИКРИ**

### **АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**«O'ZPARTAMPONAJ»** акциядорлик жамияти бошқаруви органига:  
Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

<b>Тулиқ номи:</b>	«O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамияти
<b>Юридик манзили:</b>	Бухоро вилояти, Қоровулбозор шаҳри, Чулқувар МФЙ, темир йўл кўчаси, 85/2 уй.
<b>Хисоб рақами:</b>	2021000004015706001 Тошкент ш. «Ўзсаноатқурилишбанки» АТБ бош офиси
<b>МФО:</b>	00440
<b>ХХТУТ:</b>	09100
<b>СТИР:</b>	203025578
<b>Тел:</b>	94-540-10-50
<b>Асос:</b>	13.03.2024 йилдаги 25-сонли шартнома

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори (аудитор малака сертификати №05584 29.11.2018 йил) Жовлиев Мустафа Тураевич «O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамиятининг 2023 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботидан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларнинг қисқача таснифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

#### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

#### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр

билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди. Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб берадиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб тамойилларини бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-тамомойиллар аудиторнинг мулоҳазасига шу жумладан фирибгарлик ёки хато тўғрисида молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин булган муҳим бўзиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда аудитор вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-тамомойилларни ишлаб чиқиш мақсадида тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилиги баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишни баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришга асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий Фикр**

Бизнинг фикримизча «O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари унинг 2023 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда айрим камчиликларни ҳисобга олмаганда Ўзбекистон Республикасининг Миллий Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

**07.05.2024 йил**

**МЧЖШ «NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT»**  
**директори:**

**Аудитор:**



**К.Тураев.**

**М.Жовлиев**

## **I. КИРИШ ҚИСМИ**

### **1. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ: МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ «NEWGLOBALPROPESSIONAL-AUDIT»**

*аудиторлик ташкилоти*

*Адлия Вазирлигидан 2014 йил 10 июнда руйхатдан ўтказилган.*

*Руйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома рақами № 287 АВ*

*Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан*

*01.04.2019 йилда АФ №00750 рақамли лицензия берилган.*

**ҲИСОБ РАҚАМИ: 20208000904368690001**

**ҚИШЛОК-ҚУРИЛИШ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ**

**ШАҲАР БЎЛИМИ МФО 01037.**

**СТИР: 205311743**

**Тел/ факс: +99891-453-79-14,**

**МИЖОЗ НОМИ: «O'ZPARTAMPONAJ» АЖ**

**ҲИСОБОТ ДАВРИ: 2023 йил.**

Аудиторлик ҳисоботи  
**2. АУДИТ ИШ РЕЖАСИ**

МЧЖШ «NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT» аудиторлик ташкilotи билан «O'ZPARTAMPONA» АЖ ўртасида 2024 йил 13 мартда тузилган 25-сонли шартномага асосан «O'ZPARTAMPONA» АЖнинг 2023 йил давридаги молиявий хўжалик фаолияти аудит текширувидан ўтказилди.

Аудит «Аудитни режалаштириш» 3-сонли аудит миллий андозаси 1-2 иловаларига асосланиб режа-график бўйича ўтказилди.

**АУДИТ РЕЖА ГРАФИГИ**

Текширилаётган ташкilot: «O'ZPARTAMPONA» АЖ.

Аудит ўтказиш даври: 01.01.2023 й.дан 31.12.2023 й.гача

**Аудиторлик гуруҳи таркиби:** Аудитор - Жовлиев Мустафа Тураевич.  
аудитор малака сертификати №05584 29.11.2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган.

Режалаштирилган аудиторлик риси: баланс активидан 5%

№	Режалаштирилган иш турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Эслатма
1.	Жамиятнинг ҳисоб сиёсати билан танишиб чиқиш	1 кун	М.Жовлиев	
2.	Товар айланишини аниқлаш	2 кун	М.Жовлиев	
3.	Аналитик ишлар	2 кун	М.Жовлиев	

**АУДИТ ДАСТУРИ**

№	Аудит бўлимлари бўйича аудиторлик режалари руйхати	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Эслатма
1.	Таъсис хужжатларини текшириш	М.Жовлиев	Низом	
2.	Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг умумий масалалари	М.Жовлиев	Жамиятнинг ҳисоб сиёсати	
3.	Асосий воситалар ҳисоби	М.Жовлиев	0100-смет	
4.	Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби	М.Жовлиев	0600-смет	
5.	Капитал қўйилмалар ҳисоби	М.Жовлиев	0800-смет	
6.	Товар моддий захиралар ҳисоби	М.Жовлиев	Мат.ҳисобот	
7.	Ҳазина муомалалари ҳисоби	М.Жовлиев	Ҳазина китоби	
8.	Ҳисоб рақами муомалалари ҳисоби	М.Жовлиев	2-сонли ж/о	
9.	Дебитор ва кредиторлар ҳисоби	М.Жовлиев	6000,4000,4110, 6100-сметлар	
10.	Бюджет билан ҳисоб-китоблар	М.Жовлиев	Баланс ҳисобот	
11.	Молиявий натижалар ҳисоби	М.Жовлиев	Баланс ҳисобот	

Аудит белгиланган режага асосан ҳамда жамият томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида умумбелгиланган аудиторлик андозаларига мувофиқ равишда, тузилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг жиддий хатолардан холи эканлигини аниқлаш учун етарли далиллар тўплаш мақсадида ўтказилди.

Аудит текшируви жараёнида касса ҳисоботлари, банк хужжатлари, журнал-ордерларнинг молиявий натижалар ҳисоботида мос келиши асосий қисм сифатида

HFM/B

текширилди, шартномалар ва бошқа қолган мавзулар хулоса бериш учун етарлича танланма тартибда текширилди.

## II. Таҳлилий қисм

### 1. КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

#### Реквизитлари:

Ҳуқуқий манзили: Бухоро вилояти, Қоровулбозор шаҳри, Чулқувар МФЙ, темир йўл кўчаси, 85/2 уй.

Банки: Тошкент ш. «Ўзсаноатқурилишбанки» АТБ бош офиси

МФО коди: 00440

ҳ/р.: 20210000004015706001

ОКОНХ коди: 09100

СТИР рақами: 203025578

Мулкдаги давлат улуши: 18,5 %.

Жамият фаолияти бўйича қуйидаги: МШТ-144, ТХШТ-1150, МХОБТ-1706232501, КТУТ-17370238 кодларига эга.

«O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамияти дастлаб «Ўзбекнефтгаз-қазибчиқариш» давлат акциядорлик бирлашмасининг умумий йиғилиш қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг 1999 йил 01 октябрдаги 359-сонли буйруғига асосан таъсис этилган.

«O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамиятининг Низоми Қоровулбозор шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси» томонидан 2011 йил 18 августда № 162-35 рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Устав фондининг миқдори акциядорларнинг 2011 йил 18 майдаги умумий йиғилиш қарорига асосан номинал қиймати 85 сўм булган жами 8 447 400 дона оддий акцияларга бўлинган жами 718 029,0 минг сўмни ташкил этган.

#### Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига тегишли улуши 18,5 %ни, яъни 1 559 844 дона оддий акцияни ёки 132 586,7 минг сўмни;

- "ERIELL GmbH" Компаниясининг улуши 15 %ни, яъни жами 1 267 110 дона акцияни ёки 107 704,4 минг сўмни;

- «Интегра Евроазия» шўъба корхонасининг улуши 9,66%ни, яъни жами 816 200 дона акцияни ёки 69 377,0 минг сўмни;

- "PTS DRILLING SERVICES" MChJ нинг улуши 17,5%ни, яъни 125 905,9 дона акцияни ёки 125 905,9 минг сўмни ташкил этган.

ННН/В

- жисмоний шахслар улуши **39,35** %ни, яъни жами 3 323 000 дона акцияни ёки 282 455,0 минг сўмни ташкил этган.

Улушлардаги ўзгариш тўғрисида маълумот тақдим этилмади. Сўнги маълумотлар асосида.

«O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамиятининг 2014 йил 26 июндаги №1-сон умумий йиғилиш қарори билан ўзгартиришлар киритилган Низоми Қоровулбозор шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси» томонидан 2014 йил 21 августда № 64- рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Устав фонди тўлиқ шаклланган. Акциялар реестри Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан юритилган.

Бундан ташқари «O'ZPARTAMPONAJ» АЖ таркибида «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг №02/2620-сонли баённомаси ва «O'ZPARTAMPONAJ» АЖ Кўзатув Кенгашининг №10-сонли баёномаларига асосан, жамият таъсисчилигида 2012 йил 04 апрелда «Бухоро ўқув-курс комбинати» НТМ юридик шахс сифатида Бухоро шаҳрида ташкил этилган бўлиб, тегишли лицензия асосида барча бурғулаш ташкилотлари ишчи-ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланади.

Жамиятнинг асосий фаолияти: «O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамиятининг асосий фаолияти асосан нефт ва газ қудуқларини цементаж ва мустаҳкамлаш жараёнида махсус техника ва автотранспорт билан таъминлашдан иборат.

Жамият Ўзбекистон Республикаси автомобиль ва дарё транспорти Агентлиги томонидан берилган, Ўзбекистонда шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш ҳамда шаҳарлараро юк ташиш транспорт хизматларини кўрсатишга рухсат берувчи №АТ 0024608-сонли лицензиясига ва № АТ 0018042-сонли лицензияларга эга.

Жамият фаолиятининг асосий мақсади: ўз фаолияти натижасидан фойда олиш ва республикада нефт ва газ қудуқларини цементаж ва мустаҳкамлаш жараёнида махсус техника ва автотранспорт билан таъминлаш тизимини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш ҳамда хизмат кўрсатишда истиқболли йўналишларни жамият аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини кўпроқ қондиришга қаратишдан иборат.

### **Бошқарув**

2023 йилда фаолият кўрсатган бошқарув кенгаши 1 кишидан иборат бўлиб, жамиятнинг 2023 йил 6 сентябрдаги 65-К сонли буйруғига асосан 06.09.2023 йилгача жамият директори вазифасини Суяров Бахриддин бажарган, жамият бош ҳисобчиси вазифасини бажариб келган Файзуллаев Адиз 06.09.2023 йилдан директорлик вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланган.

«O'ZPARTAMPONAJ» АЖ директори билан тузилган меҳнат шартномаси жамият Кузатув Кенгашининг 2023 йил 30 августдаги 4-сонли ва 2023 йил 6 сентябрдаги 5-сонли баёнлари, шунингдек ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг 8.2.2-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисмининг 6-банди ва 489-моддаси 2-қисмининг 2-бандига асосан 2023 йил 6 сентябрдан бекор қилинган.

2023 йилнинг 10 ноябрь санасида 2023 йил 6 сентябрдаги 65-к-сонли буйруқнинг 1-параграфи ҳамда 2023 йил 28 сентябрдаги 72-к-сонли буйруқлари бекор қилинган.

Н/М/В

2023 йилнинг 10 ноябрь санасида «O'ZPARTAMPONAJ» АЖ директори билан тузилган меҳнат шартномаси жамият Кузатув Кенгашининг 2023 йил 30 августдаги 4-сонли ва 2023 йил 6 сентябрдаги 5-сонли баёнлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисмининг 6-банди ва 489-моддаси 1-қисмининг 2-бандига ҳамда меҳнат шартномасининг 8.2.2-бандига асосан бекор қилинган.

«O'ZPARTAMPONAJ» АЖ Кузатув Кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги 8-сонли баёнига асосан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилиш санаси 2023 йил 10 ноябрдан ҳисобланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судининг 12.12.2023 йилдаги 2-2002-2301/2641-сонли ҳал қилув қарорига асосан «O'ZPARTAMPONAJ» АЖ Кузатув Кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги 87-К-сонли буйруғи бекор қилинган ва Б.О.Суяров «O'ZPARTAMPONAJ» АЖ директори вазифасига тикланган.

«O'ZPARTAMPONAJ» АЖ директори билан тузилган меҳнат шартномаси жамият Кузатув Кенгашининг 2024 йил 15 январдаги 1-сонли баённомасига кўра у билан тузилган меҳнат шартномасининг 8.2.2-бандида белгиланган акциядорларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги, жамиятнинг молиявий иқтисодий аҳволи сезиларли даражада ёмонлашганлиги, давлат бюджети олдидagi барқарор қарздорлик пайдо бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисмининг 6-банди ва 489-моддаси 1-қисмининг 2-бандига асосан 2024 йил 17 январдан бекор қилинган.

2024 йил 17 январдан «O'ZPARTAMPONAJ» АЖ Кузатув Кенгаши раисининг 11-К-сонли буйруғига асосан 2023 йил «O'ZPARTAMPONAJ» АЖ бош ҳисобчиси Файзуллаев Адиз Абдурасуловичга жамият директори вазифасини вақтинча бажариш вазифаси юклатилган.

## **2. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ҲОЛАТИ**

«O'ZPARTAMPONAJ» АЖ томонидан молиявий муомалалар белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартномалар асосида амалга оширилган, лекин шартномаларда 1998 йилда кучга кирган «Хужалик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунда белгиланган талаблар асосида тузилаётган шартномаларга шартнома суммасининг миқдорига қараб юрист визаси ёки хулосаси расмийлаштирилмаган. Амалдаги қонунга мувофиқ 200 минимал иш ҳақиғача бўлган миқдордаги шартномаларга юрист визаси қўйилиши, ундан юқори суммага тузилган шартномаларга юрист хулосаси илова қилиниши талаб этилади.

«O'ZPARTAMPONAJ» АЖ да ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган, жамият ички буйруғи билан расмийлаштирилган. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тузиш амалдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун, бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари асосида тайёрланган ва юритилган. Бухгалтерия ҳисобини юритиш 1-С «Бухгалтерия» дастури асосида юритилган.

Молиявий ҳисоботлар молиявий ва статистик ҳисоботлар тузишнинг белгиланган шаклларига риоя қилинган ҳолда тузилган ва ўз вақтида талаб қилинган идораларга топшириб борилган.

«O'ZPARTAMPONAJ» АЖ бошқарув назорати ташкилий ва моддий ресурслар бутлиги ҳамда молиявий муомалалар қонунийлигини таъминлаш асосида ўрнатилган. АЖ да ички назорат тизими ташкил этилган, у ўз хўжалик дастури ва Устав фаолияти доирасида иш юритган. АЖ да моддий ресурсларни назорат қилиш

НННН/В

бўйича моддий жавобгар шахслар тайинланган. Улар билан тўлик моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган.

«O'ZPARTAMPONAJ» АЖ томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларнинг тўғри акс эттирилиши ва ҳисобининг юритилиши устидан назорат бош ҳисобчи зиммасига юклатилган.

2023 йилда "AUDIT FAIR SERVICES" МЧЖ мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан «Ўзпартампонаж» АЖнинг 2023 йил 1-чорак ва 1-ярим йиллик фаолияти ташаббусли аудит текширувидан ўтказилган. "AUDIT FAIR SERVICES" МЧЖ мустақил аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 14 октябрдаги аудиторлик ҳисоботида қўйидагилар кўрсатиб ўтилган. Жумладан:

Баланс кўрсаткичлари бўйича 01.01.2023 йил ҳолатига жами дебиторлар 25 765 171 минг сўм, 30.06.2023 йил ҳолатига 26 911 988 минг сўмни ташкил қилганлиги ва жамият ижро органи томонидан асосий дебитор қарздорликларнинг ўз вақтида ундирилмаслиги натижасида 2023 йилнинг олти ойи давомида жамият қўшилган қиймат солиғидан бўлган қарздорлик сўндирилмаган ва қўшилган қиймат солиғи гувоҳномаси фаолияти тўхтатиб (нофаол) қўйилишига сабаб бўлган ва бунинг оқибатида жамият томонидан 2023 йил 1-чорак ва 1-ярим йиллик даврида бажарилган ишлар-хизматлар бўйича буюртмачилар билан ҳисоб-фактуралар расмийлаштириш имкони чекланганлиги сабабли жамиятнинг 2023 йил 1-чорак ва 1-ярим йилликда фаолияти зарар билан яқунланишига сабаб бўлганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 79-моддаси 12 қисмига мувофиқ Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг директори, жамият бошқарувининг аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга эканлигини белгиланган кўрсатиб ўтилган.

Жамиятнинг ишчи ходимлар олдидagi иш ҳақи бўйича 30.06.2023 йил ҳолатига жами қарздорлиги 3 412 590 минг сўмни, жумладан апрель ва май ойи иш ҳақидан бўлган қарздорлик суммаси тўлов муддати ўтиб кетган иш ҳақи ҳисобланишлиги, ходимларга иш ҳақи тўлаш муддатлари жамоа шартномасида ёки ички ҳужжатда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган муддатларда белгиланишлиги ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги, ходимларга ойлик иш ҳақи, қоида тариқасида, ўн олти кундан кўп бўлмаган танаффус билан икки қисмга бўлинган ҳолда (бунақда ва қолган қисми миқдоридa) тўланишлиги қайд этилган.

2023 йил бошига баланс ва ҳисоб реестрлари маълумотларига асосан акциядорларга ҳисобланган дивидендлардан бўлган қарзи акциядорларга 2018-2021 йиллар яқунлари бўйича ҳисобланган дивидендлардан 1 171 924 минг сўмни ташкил қилганлиги, 2023 йил 1-ярим йиллик давомида жами тўланган дивидендлар суммаси 55 809 минг сўм бўлиб, 30.06.2023 йил ҳолатига 1 116 115 минг сўм қарздорлик мавжуд бўлганлиги, жумладан, Давлат активларини бошқариш агентлигига – 424 487 минг сўмни, "Eriell GmbH" компанияга – 248 914 минг сўмни, "Alpenfort Capital" МЧЖ 30 908 минг сўмни, "PTS DRILLING SERVICES" МЧЖ – 14 646 минг сўмни ҳамда

А/м/В

408 та жисмоний шахларга 397160 минг сўмни ташкил этганлиги кўрсатиб утилган.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланишлиги, дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозимлиги, дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланишлиги қайд этилган.

Жамиятнинг солиқ кабинети орқали 30.06.2023 йил ҳолатига олинган солиқ ва тўловлар бўйича солиштирама далолатнома бўйича солиқ ва тўловлардан бўлган жами қарздорлик суммаси 3 890,0 минг сўм, солиқ текшируви натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ ва жарималар ҳисоблангандан сўнгги солиштирама далолатнома бўйича 3 818 337,0 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, шундан:

- Муддати узайтирилган қарздорлик (мол-мулк солиғи) 285 044,0 минг сўмни;
- Жорий пеня 704 781,0 минг сўмни;
- Жорий қарздорлик суммаси 2 828 512,0 минг сўмни, шундан:
  - Ижтимоий солиқ тўловидан 1 701 696,0 минг сўмни;
  - СОРЖга тушган молиявий жарималар 655 685,0 минг сўмни;
  - Хўжалик судларида кўриладиган ишлари бўйича давлат божларидан 255 933,0 минг сўмни;
  - Бошқа солиқлардан қарздорлик 215 198,0 минг сўмни ташкил қилганлиги кўрсатиб утилган.

Жамият ижро органининг ҳаракатсизлиги натижасида солиқ органлари томонидан пеня ва жарималар ҳисобланиши ва махсус техникаларни ижара қиймати ошиши ҳисобида жамият харажатлари ошишига сабаб бўлганлиги ва натижада 2023 йилнинг 6 ойлик якуни бўйича жамият харажатларини жами 3182 308,0 минг сўмга ошиб кетганлиги ҳолати ва натижада жамият манфаатларига зиён етказилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сонли фармони 9-илова 25-бандида ижро органи раҳбари ва бошқарув аъзоларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиар жавобгарлигини улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида қатъий белгилаш кўзда тутилганлиги билдирилган.

«Ўзпартампотаж» АЖ Устави, ижро органи тўғрисидаги низом ва меҳнат шартномасида белгиланган жамият директори ўз ҳуқуқларини ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш бўйича талабларини бўзганлигини тасдиқловчи факт сифатида "Ўзнефтогаз бурғулаш ишлари" МЧЖ билан 2023 йилнинг 2-ярим йиллик учун 5 та махсус техникаларни ижарага олиш бўйича 01.07.2023 йилдан 2-сонли ижара шартнома тузилганлиги ҳамда ушбу ижара шартномасининг 1- ва 2-иловасига асосан ижарага олинadиган махсус техника ижара калькуляцияси қиймати 2023 йил 17 январ куни 1-сонли ижара шартномасига нисбатан 1 млрд.сўмга пасайтиришга эришилганлиги, бундан ташқари айнан шу 5 та махсус техникаларни 2024 йил учун ижарага олиш

Hf/m/3

бўйича 2024 йил 3 январдаги тузилган шартнома қийматида 4,9 млрд.сўм миқдорда белгиланганлиги ҳамда 03.07.2023 йилдаги 1530-сонли, 29.11.2023 йилдаги 6200-сонли ва 31.12.2023 йилдаги 7736-сонли ҳисоб-фактуралар ҳамда "AUDIT FAIR SERVICES" МСНЈ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган ташаббусли аудит текшируви натижаси бўйича 14.10.2023 йилдаги аудиторлик ҳисоботида асосан «Ўзпартампонаж» АЖ собиқ раҳбари Б.О.Суяров томонидан "Ўзнефтверга бурғулаш ишлари" МЧЖдан 2023 йил 6 ойлик даврида тузилган ижара шартнома қийматини 1 821 842 минг сўм миқдоридида асоссиз ошиши ҳисобига жамият харажатлари ошишига ва давлат бюджетига тўланиши керак бўлган солиқ тўловлари камайишига ҳамда жамият фойдаси камайишига сабаб бўлганлиги ҳамда ўз навбатида жамият ва акциядорлар манфаатларига зиён етказилганлиги таъкидлаб утилган.

### **2.1. Асосий воситалар ҳисоби.**

Жамиятда асосий воситаларнинг ҳаракати 0110-0190, 0210-0290 бухгалтерия счетлари орқали ҳисобга олиб борилган.

01.01.2023 йил ҳолатида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати жами 46 166 242 минг сўмни ташкил этиб, шундан бинолар ва иншоотлар 6 201 162 минг сўмни, машина ва ускуналар 413 736 минг сўмни, офис мебеллари 330 429 минг сўмни, компьютер жихозлари 210 190 минг сўмни, транспорт воситалари 36 681 629 минг сўмни, бошқа асосий воситалар 2 329 095 минг сўмни ташкил этган.

31.12.2023 йил ҳолатида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати жами 46 190 737 минг сўмни ташкил этиб, шундан бинолар ва иншоотлар 6 201 162 минг сўмни, машина ва ускуналар 420 401 минг сўмни, офис мебеллари 330 429 минг сўмни, компьютер жихозлари 224 190 минг сўмни, транспорт воситалари 36 685 459 минг сўмни, бошқа асосий воситалар 2 329 095 минг сўмни ташкил этган.

2023 йил даврида 24 495 минг сўмлик асосий воситалар кирим қилиниб, асосий воситалар чиқими амалга оширилмаган.

01.01.2023 йил ҳолатида асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши 39 459 275 минг сўмни ташкил этиб, шундан бинолар ва иншоотлар эскириши 2 504 866 минг сўмни, машина ва ускуналар эскириши 363 090 минг сўмни, офис мебеллари эскириши 320 516 минг сўмни, компьютер жихозлари эскириши 140 385 минг сўмни, транспорт воситалари эскириши 34 492 670 минг сўмни, бошқа асосий воситалар эскириши 1 637 748 минг сўмни ташкил этган.

2023 йил даврида жами 902 209 минг сўмлик эскириш харажатга ҳисобланган.

2023 йил даврида асосий воситаларга ҳисобланган эскиришлар таҳлил этилганда эскириш меъёрлари белгиланган тартибда, тўғри чизиқли усулда ҳисоб-китоб қилинган.

Асосий воситалар ҳисобини юритиш компьютер дастурлари ёрдамида бажарилган. Бирламчи хужжатлар, журнал-ордер маълумотлари бош китоб кўрсаткичлари билан мос келади. Асосий воситалар бошланғич қиймат асосида юритилади.

Текшириш давомида жамиятдаги мавжуд асосий воситаларни руйхати бўйича мавжудлиги ва сақланиши инвентаризациядан ўтказилмади.

### **2. Узок муддатли инвестициялар**

01.01.2023 йил ҳолатида 0600-«Узок муддатли инвестициялар» счеотида қимматли қоғозлар қолдиғи 100 000 минг сўмни ташкил этиб, йил давомида

*Handwritten signature*

қимматли қоғозлар кирими ва чиқими амалга оширилмаган ва 31.12.2023 йил ҳолатида 100 000 минг сўмни ташкил этган.

01.10.2023 йилда шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар 107 716 минг сўмни ташкил этиб, 2023 йил даврида ҳаракат амалга оширилмаган ва 31.12.2023 йил ҳолатида 107 716 минг сўмлик қолдиқ мавжуд.

### **3.Товар моддий қийматликларнинг аудити.**

2023 йил 1 январь ҳолатида товар моддий захиралар қолдиғи 1 183 585 минг сўмни, 2023 йил 31 декабрь ҳолатида 1 610 119 минг сўмни ташкил этган.

Товар моддий захираларнинг ҳисоби «Материал» ҳисобварағининг ҳар бири бўйича алоҳида алоҳида юритилган, аудит текширувида ноқонуний сарф харажатларга йўл қўйилганлиги ҳолатлари аниқланмади, фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари баланسدан ташқари счетларда ҳисобга олинмаган.

### **4.Хазина муомалалари ҳисобининг аудити**

Жамият кассасида 2023 йил 1 январь ҳолатида пул маблағлари қолдиғи бўлмаган. 2023 йил даврида хўжалик хазинасига 65 120 минг сўмлик пул маблағлари кирим қилиниб, ушбу даврда 65 120 минг сўмлик пул маблағлари чиқим қилинган. 31.12.2023 йил ҳолатига кассада қолдиқ бўлмаган. Пул маблағларини мақсадли сарфлаш бўйича, Касса операцияларини юритиш тўғрисидаги низомга амал қилиш бўйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.

### **5. Ҳисоб рақами ва махсус ҳисоб рақами муомалалари ҳисобининг аудити**

01.01.2023 йил ҳолатида Жамиятнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари қолдиғи мавжуд бўлмаган. Йил давомида жами пул маблағлари кирими 6 592 746.8 минг сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 523.0 минг сўм таъминотчи корхоналардан, 37 195.6 минг сум махсус ҳисоб рақамдан, 4 953 055.0 минг сўм ички ташкилотлардан, 1 601 973.1 минг сўм бошқа ташкилотлардан келиб тушган. Ушбу йилда жами чиқим 6 592 746.8 минг сўмни ташкил этиб, шундан 22 795.5 минг сўм мол етказиб берувчиларга, 2 589 947.1 минг сўм бошқа кредиторлар тўловлари учун, 2 275 292.2 минг сўм махсус ҳисоб рақамга, 30 000.0 минг сўм ички ташкилотларга, 1 401 393.4 минг сўм бюджетга, 208 731,6 минг сўм бюджетдан ташқари жамғармаларга, 21363.5 минг сўм хизмат сафари харажатларига, 43 223,6 минг сўм банк хизматига чиқим қилинган. 01.10.2023 йил ҳолатида жамиятнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари қолдиғи қолмаган.

01.01.2023 йил ҳолатида жамиятнинг махсус ҳисоб рақамида пул маблағлари қолдиғи 1 680 874.3 минг сўмни ташкил этган. Йил давомида жами пул маблағлари кирими 49 234 951.4 минг сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 33 196 780.4 минг сўм ички тизим корхоналаридан, 546.9 минг сўм бошқа ташкилотлардан, 13 670 542.6 минг сўм счетдан счетга, 14 232.1 минг сўм ўтказилган дивиденд суммаси қайтиб тушишидан, 2 275 292.1 минг сўм ҳисоб рақамидан, 68 848.5 минг сўм таъминотчилардан, 708.7 минг сўм бошқа буюртмачилардан, 8 000.0 минг сўм бошқа манбалардан келиб тушган. Ушбу йилда жами чиқим 50 881 598.9 минг сўмни ташкил этиб, шундан 10 170 минг сўм ишлаб чиқаришга, 3 588 917.8 минг сўм мол етказиб берувчиларга, 26160.0 минг сўм ходимларнинг бошқа тўловларига, 32 20 413.0 минг сўм бошқаларга (МИБ, профсоюз, алимент ва бошқалар) 65 120.0 минг сўм кассага иш ҳақи учун, 37 195.6 минг сўм ҳисоб рақамига, 13 670 542.6 минг сўм счетдан счетга, 2 825 118.4 минг сўм ички тизим корхоналарига, 10 820 362.8 минг сўм бюджетга, 14 859.7 минг сўм бюджетдан ташқари жамғармаларга, 265 763.4 минг сўм дивиденд

Н/М/В

тўловига, 16 232 549.1 минг сўм иш ҳақи ва бошқаларга, 104 426.3 минг сўм банк хизмати, кредит ва пластик карточка фоизлари учун чиқим қилинган. 31.12.2023 йил ҳолатида жамиятнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари қолдиғи 34 226.9 минг сўмни ташкил этган.

#### **6. Дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳисоби**

01.01.2023 йил ҳолатида жами дебиторлар баланс бўйича 25 765 171 минг сўмни ташкил этиб, шундан харидор ва буюртмачиларнинг қарзи 25 119 683 минг сўмни, шундан жамият ички корхоналарининг қарзи 18 336 575 минг сўмни, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар 556 218 минг сўмни, бюджет солиқ ва йигимлар бўйича туловлар 62 минг сўмни, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи 66752 минг сўмни, бошқа дебиторлик қарзлар 22456 минг сўмни ташкил этган.

31.12.2023 йил ҳолатида жами дебиторлар баланс бўйича 29 052 930 минг сўмни ташкил этиб, шундан харидор ва буюртмачиларнинг қарзи 24 283 612 минг сўмни, шундан жамият ички корхоналарининг қарзи 19 195 481 минг сўмни, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар 103 055 минг сўмни, бюджет солиқ ва йигимлар бўйича тўловлар 4 617 878 минг сўмни, бошқа дебиторлик қарзлар 25 929 минг сўмни ташкил этган.

01.01.2023 йил ҳолатида жами кредиторлар баланс бўйича 9 503 646 минг сўмни ташкил этиб, шундан мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзлар 2 533 717 минг сўм, шундан ажратилган бўлинмаларга қарз 1 458 236 минг сўмни, олинган бўнақлар 279 317 минг сўмни, бюджетга тўловлар бўйича қарзлар 1 733 961 минг сўмни, мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз 1 531 928 минг сўмни, таъсисчиларга бўлган қарз 1 171 924 минг сўмни, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз 2 066 893 минг сўмни, бошқа кредиторлик қарзлар 185 906 минг сўмни ташкил этган.

31.12.2023 йил ҳолатида жами кредиторлар баланс бўйича 9 448 436 минг сўмни ташкил этиб, шундан мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзлар 1 088 503 минг сўм, шундан ажратилган жамиятларга қарз 140 068 минг сўмни, олинган бўнақлар 292 283 минг сўмни, бюджетга тўловлар бўйича қарзлар 1 796 628 минг сўмни, мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз 1 689 370 минг сўмни, Таъсисчиларга бўлган қарз 1 503 379 минг сўмни, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз 2 730 455 минг сўмни, бошқа кредиторлик қарзлар 347 818 минг сўмни ташкил этган.

Йил бошига нисбатан жами дебитор қарздорлик 3 287 759 минг сўмга ошган, кредитор қарздорликлар 55 210 минг сўмга камайган.

#### **7. Устав капитали ҳисоби.**

Жамиятнинг 01.01.2023 йил ҳолатида Устав капитали 71 8029 минг сўмни ташкил этиб, 2023 йил давомида ўзгармаган.

#### **8. Резерв капитали ҳисоби.**

Жамиятда баланс бўйича 01.01.2023 йил ҳолатида резерв капитали 11 072 815 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2023 йил даврида резерв капитали ўзгармаган.

#### **9. Иш ҳақи ва бошқа қўшимча тўловлар ҳамда ушланмалар ҳисоби.**

01.01.2023 йил ҳолатига ишчи ходимлардан жамиятнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича қарздорлиги 2 066 892.9 минг сўмни ташкил этган.

HH777/3

2023 йил давомида жами 19 542 070.1 минг сўмлик иш ҳақи ва бошқа тўловлар ҳисобланган бўлиб, шундан асосий ишлаб чиқариш ходимларига 9 839 862.8 минг сўмни, ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига 2 059 868.8 минг сўмни, маъмурий бошқарув аппарати ходимларига 6 986 071.1 минг сўмни ташкил этган. Бундан ташқари жамият ходимларига рағбатлантириш фондидан 656 267.3 минг сўмлик иш ҳақи ва қўшимча тўловлар ҳисобланган. Ушбу йилда ҳисобланган жами иш ҳақи ва бошқа тўловлардан 18 878 507.9 минг сўм тўланган ва ушланган бўлиб, шундан пластик карточка орқали 16 253 912.7 минг сўм, кассадан 65 120.0 минг сўм тўланган, 2 283 534.0 минг сўм даромад солиғи, 233 856.5 минг сўм ЖБПТ ва касоба уюшма бадалига, 13 480.3 минг сўм ортиқча хизмат сафари тўловига, 28 604.4 минг сўм бошқаларга ушланган. 31.12.2023 йил ҳолатига ишчи ходимлардан жамиятнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича қарздорлиги 2 730 455.1 минг сўмни ташкил этган.

Танланма тартибда ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа қўшимча тўловлар аудит қилинганда, "Ўзпартампонач" АЖ директори Б.О.Суяровга 2023 йилнинг 8 ойлик даврида жамият Ижро органи тўғрисидаги Низомда кўзда тутилмаган 588 минг сўмлик ўқув дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини сотиб олиш учун, 920 минг сўмдан Қурбон-Хайит, Навруз ва Рўза-Хайит байрамлари муносабати билан рағбатлантириш, 1 781,8 минг сўм миқдоридан ҳар ойлик маошга 20% қўшимча маош тўлови, 4 207,3 минг сўмлик даволаниш учун моддий ёрдам, жами 9 337,1 минг сўмлик пул маблағлари ҳисобланганлиги ва тўлаб берилганлиги аниқланди ва бош ҳисобчига ортиқча ҳисобланган қўшимча тўловларни ундириш ҳақида тушунтириш берилди.

Жамиятда штатлар жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, раҳбар томонидан тасдиқланган.

Аудит текшируви ўтказиш жараёнида корхона ҳисобчилари, моддий жавобгар шахсларга ва бошқа ходимларига айрим йўл қўйилган хато ва камчиликлар, шу жумладан, касса, иш ҳақи, ишончномалар ҳисобининг юритилиши, материал ҳисоботларни юритишдаги айрим камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, уларни тўғрилаш, жамият "Ҳисоб сиёсати"га тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бундан кейин хато ва камчиликларга йул қўймасликлари юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

#### 4. Солиқ ва ажратмалар ҳисобини аудит текшируви натижалари.

Солиқ ва мажбурий ажратмалар ҳисобини юритиш жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар - "1С Бухгалтерия" дастури асосида юритилган ҳисоботлар, бирламчи ҳужжатлар ёрдамида ўрганилганда, ҳолат қўйидагича эканлиги аниқланди:

Солиқ турлари	Йил бошига сальдо		Айланма		Йил охирига сальдо	
	Дебет	Кредит	Тўланган	Ҳисобланган	Дебет	Кредит
Даромад солиғи		733 379	8 118 130	7 384 752		-
ҚҚС		360 656	6 791 559	6 430 904		-
Фойда солиғи		564 750	2 119 286	3 302 555		1 748 019
Сув солиғи		-	80	100		21
Мол-мулк солиғи		22 670	96 438	98 461		24 693
Ер солиғи		12 604	120 174	109 686		2 116
Дивиденд солиғи		39 902	42 353	24 229		21 779

Н/Н/Н/В

ЯИТ бўйича қарздорлик		778 765	2 908 199	3 367 804		1 238 370
Солиқлар бўйича ҳосил бўлган пеня		396 111	1 244 442	848 331		-
12 статъя бўйича қарздорлик		354 988	177 260	268 659		
ИНПС		2 064	16 018	18 566		4 612
<b>Жами</b>		<b>3 265 889</b>	<b>21 633 939</b>	<b>21 854 047</b>		<b>3 039 610</b>

Бухоро вилоят солиқ бошқармасининг 2022 йил 28 октябрдаги 3074-89 сонли буйруғига асосан «O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамиятида 2017-2021 йилларни ўз ичига қамраб олган даврни солиқ аудитидан ўтказиши режалаштирилиб, ушбу солиқ аудити текшируви 2022 йилнинг ноябрь ойида бошланиб, 2022 йилнинг 2 декабрь кунигача давом этган.

Текшириш натижасида 2019 йил даври учун ҳисобланган ягона ижтимоий тўловга 1 517 880,9 минг сўмлик қўшимча тўлов ҳисобланган ва унга нисбатан кечиктирилган кунлар учун 386 720.3 минг сўмлик пеня ҳамда 297 070.5 минг сўмлик молиявий жарима ҳисобланган. Ушбу қўшимча ҳисобланган солиқ, пеня ва молиявий жарималар 2023 йилда ҳисобга олинган.

Қўшимча тўлов ҳисоблашга асос қилиб, 2020 йилнинг 8 январига қадар амалда бўлган Солиқ кодексининг 308<sup>1</sup>-моддасини олишган. У қўйидагича талқин этилган:

**308<sup>1</sup>-модда. Ягона ижтимоий тўлов ставкалари**

Агар ушбу Кодекснинг 311-моддасида ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ягона ижтимоий тўлов ставкалари қўйидаги миқдорларда белгиланади:

T/p	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари, фоизда
1.	Бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар; қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлса, ўша юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари	25
2.	1-бандда назарда тутилмаган бошқа тўловчилар	12

«O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамиятида ўша даврда давлат улуши 36 фоизни ташкил этган.

Жамият маъмурияти томонидан тегишли органларга мурожаат қилинган. Бухоро вилоят Маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 7 июндаги суд қарорини солиқ органи фойдасига ҳал қилган. Суд қароридан норози томонларга кассация тартибида даъво киритиш учун 2024 йилнинг 7 июн кунига қадар муддат берилганлиги кўрсатиб утилган.

Н/М/В

Бу моддани тегишли мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиб чиқиш ва бир хулосага келиш талаб этилади.

Жамият томонидан 2023 йилда солиқ ва ажратмалар ҳисобланиши ва тўловини аудит текширувидан ўтказиш жараёнида солиқлар ва мажбурий ажратмаларни ўз вақтида тўламаслик оқибатида юқоридаги жадвалда қайд этилган пеня ва молиявий жарималар қўлланилишига олиб келинган. Солиқлар бўйича ҳосил бўлган пенялар ва молиявий жарималар бюджетга ўз вақтида тўлаб берилмаган солиқ ва мажбурий ажратмалар ҳамда солиқ аудитида аниқланган қўшимча ҳисобланган солиқлар оқибатида вужудга келган.

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинadиган даромад солиғи танланма тартибда текшириб кўрилганда ортиқча ёки кам ушлаш ҳолатлари аниқланмади.

Солиқлар ва бюджетдан ташқари ажратмалар ҳисобининг тўғри юритилиши бўйича кўрсатма ва тавсиялар берилди.

### 2.10.Баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг тўғрилигини текшириш

Жамиятнинг 2023 йил 31 декабрь ҳолатидаги баланс валютаси 36 734 245 минг сўмдан иборат бўлиб, таркиб жиҳатдан қўйидагича:

	Минг сўмда
-узок муддатли активлар	6 036 969
-жорий активлар	30 697 276
-ўз маблағлари манбалари	27 285 809
-мажбуриятлар	9 448 436

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг таркибий қисми қўйидагилардан иборат:

Кўрсаткичлар номи	Бухгалтерия ҳисоби бўйича		Аудит бўйича		Фарқи	
	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат
	Минг сумда					
Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан тушган тушум	47 290 040		47 290 040		0	0
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархи		27 119 244		27 119 244	0	0
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	20 170 796		20 170 796		0	0
Давр харажатлари жами		15 913 544		15 913 544	0	0
шу жумладан:					0	0
-сотиш харажатлари					0	0
-маъмурий харажатлар		4 775 641		4 775 641	0	0
-бошқа операцион харажатлар		11 137 903		11 137 903	0	0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	144 906		144 906		0	0

А/1777/3

Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	4 402 158		4 402 158		0	0
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, фоишлар шаклидаги харажатлар						
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	4 402 158		4 402 158		0	0
Фойда солиғи		1 748 019		1 748 019	0	0
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	2 654 139		2 654 139		0	0

Даромадлар ва харажатлар таркибини шакллантириш ва ҳисобга олишда «Маҳсулот (иш ва хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом қоидаларига тўла амал қилиш тўғрисида маслаҳат ва тавсиялар берилди.

### 2.12. Бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши таҳлили.

Млн.сўмда

т/р	Кўрсаткичлар	Режа 2023й. 12 ойлик	Хақиқатда 2023 й. 12 ойлик	%.% (+, -)	Оғиш.+, -
					(+, -)
1	Даромадлар	31500	47435	151	15935
1.1.	Бажарилган ишлардан соф тушум	31416	47290	151	15874
1.1.1.	- қидирув разведка қазииш ишлари	0	0	0	0
1.1.2.	-сармоядорлар билан шартномавий ишлар	0	0	0	0
1.1.3.	Тампонаж ишлари	31416	47290	151	15874
1.1.4.	Шу жумладан: амортизация ажратмаси			0	0
	-ҚҚС	3770	5675	151	1904,9
	Бошқа даромадлар	84	145	173	61
1.2.	Ҳаражатлар - жами:	28951	43033	149	14082
2	Ишлаб чиқариш таннарни	24343	27119	111	2776
2.1.	Материал харажатлар	11687	13260	113	1573
2.1.1.	Шундан: хом ашё ва материаллар	5799	2711	47	-3088
	-ёқилғи	5484	2758	50	-2726
	-маҳсус техника ижараси	0	6831		
	-энергия	20	25	125	5
	-ишлаб чиқариш характеридаги хизматлар	356	925	260	569
	-бошқалар	28	10	36	-18
	ФОТ	9848	11900	121	2052
2.1.2.	Ижтимоий солиқ	1476	1445	98	-31
2.1.3.	Амортизация	1272	514	40	-758
2.1.4.	Бошқалар	60	0	0	-60
2.1.6.	Давр харажатлари	4608	15914	345	11306
2.2.	Сотиш харажатлари	0	0	0	0
2.2.1.	Маъмурий харажатлар	2620	4776	182	2156
	Фот	1875	3783	202	1908
2.2.2.	Ижтимоий солиқ	225	470	209	245
	-транспорт хизмати	60	0	0	-60

11/11/23

	-амортизация	232	383	165	151
	-алоқа хизмати	28	0	0	-28
	-сафар ҳаражатлари	60	0	0	-60
	-бошқалар	140	140	100	0
	Бошқа операцион харажатлар	1988	11138	560	9150
	шундан: - солиқ ва йиғимлар	400	209	52	-191
2.2.3.	-ижтимоий тўловлар	1248	1538	123	290
	-ижтимоий инфратузилмани сақлаш	140	140	100	0
	-номоддий хизматлар	100	100	100	0
	-бошқа давр харажатлари	100	9151	9151	9051
	Молиявий фаолиятнинг харажатлари	0	0	0	0
3	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	0	0	0	0
4	Баланс фойда	2549	4402	173	1853
5	Солиқ базаси	1812	1602	88	-210
6	Фойда солиғи	508	1748	344	1240
7	Соф фойда	2041	2654	130	613
8	Рентабеллик	9	10	116	1,42

Аудит текшируви жараёнида юқорида кўрсатилган 2023 йил учун белгиланган бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан таҳлилий ишлар олиб борилди. Жамият бошқарувига бизнес-режа кўрсаткичларининг мунтазам бажарилиши лозимлиги юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

### **2.13. Жамиятда ходимлар сони, кадрлар оқувчанлиги бўйича аудит текшируви натижалари.**

«O'ZPARTAMPONA» акциядорлик жамиятида 01.01.2023 йил ҳолатига ишчилар-ходимлар сони 250 киши бўлиб, 2023 йил давомида жами 31 киши ишдан бўшаган, 1 киши ишга қабул қилинган, 31.12.2023 йил ҳолатида жами ишловчилар сони 220 тани ташкил этган.

### **2.14. Молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларига амал қилиниши юзасидан аудит текшируви натижалари.**

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тузиш тартиб-қоидаларига амал қилиш, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилаётган қонунлар, фармойишлар, қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар билан доимий равишда хабардор бўлиш мақсадида мунтазам равишда ҳисобчиларнинг малакаларини ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Аудит текшируви ўтказиш жараёнида жамият бошқарувига, ҳисобчиларга, моддий жавобгар шахсларга ва бошқа ходимларига бу ҳақда тушунтириш ва тавсиялар берилди.

### **2.15. Активлар бутлиги ҳамда соф активлар бўйича аудит текшируви натижалари.**

«O'ZPARTAMPONA» акциядорлик жамиятининг 01.01.2023 йил бухгалтерия баланси бўйича жами активлар 35 544 313 минг сўмни ташкил этиб, шундан узок муддатли активлар 6 914 683 минг сўмни, жорий активлар 28 629 630 минг сўмни, 31.12.2023 йил бухгалтерия баланси бўйича жами активлар 36 734 245 минг сўмни ташкил этиб, шундан узок муддатли активлар 6 036 969 минг сўмни, жорий активлар 30 697 276 минг сўмни ташкил этган.

H/111/3

31.12.2023 йил ҳолатида жамият бухгалтерия баланси бўйича жамиятнинг соф активлари (36 734 245-9 448 436) = 27 285 809 минг сўмни ташкил этиб, «O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамиятида 2023 йил давомида йирик (27 285 809х 15% = 4 092 871 минг сўмдан зиёд) битимлар тузилганлиги қайд этилмади.

«O'ZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамиятида мол-мулклар инвентаризацияси бўйича ТМКлар, ўрнатилмаган асбоб-ускуналар ва омборхонадаги ноликвидларнинг қолдиғи бўйича инвентаризация ўтказиш, бино-иншоотлар ва ер участкаларнинг октябрь, ноябрь ойларида инвентаризациядан ўтказиш ҳамда йўқлама қилишни ўтказиш даврийлигига амал қилиш ва уларни ҳужжатлаштириш юзасидан тушунтириш ва кўрсатмалар берилди.

### **3. Яқуний қисм.**

#### **АУДИТ ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР**

##### **1. Бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича:**

- Бизнес режа кўрсаткичларини, даромад олиш режаларини ўз вақтида бажарилиши ва харажатлар ошиб кетишининг олдини олиш, уларни иқтисодий таҳлил этиш ва керакли иқтисодий соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва шу билан бирга жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш юзасидан мунтазам равишда таҳлилий-соғломлаштириш ишларни амалга ошириб бориш, ички назоратни кучайтириш, режа кўрсаткичларини тулик таҳлил қилиш зарурлиги тугрисида тушунтириш ва тавсиялар берилди.

##### **2. Корпоратив бошқарув тизими тамойилларига амал қилиниши бўйича.**

Аудит текширув жараёнида Корпоратив бошқарув тизими тамойилларига қатъий амал қилиш ва иш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (ЎЗР 26.04.1996 й. 223-1-сон Қонуни) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон қарори талабларига тўла риоя қилиш, молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар (МХХС) асосида шакллантириш ва йиллик молиявий ҳисоботни мажбурий чоп этиш, дивиденд туловларидан қарздорликларни тугатиш ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаб ва қоидаларига мунтазам равишда амал қилиниши лозим.

##### **3. Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботларни юритиш бўйича:**

- Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тузишда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (ЎЗР 30.08.1996 й. 279-1-

сон Қонуни), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.01.2004 йил 1297-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 23.12.2003 й. 131-сон буйруғи билан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида»ги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 07.05.2003й. №62-сон буйруғи билан тасдиқланган «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бўйича бериш тартиби тўғрисида Низом» (Низомга ЎЗР АВ 24.12.2003й. 1245-1-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ Буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.), Касса ҳисобини юритиш бўйича норматив ҳужжатларига ҳамда Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва ҳукуматимиз бошқа қарор ҳамда меъёрий ҳужжатлари талаб ва қоидаларига мунтазам равишда амал қилиниши ҳамда иш хақи туловларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича назорат кучайтирилиши лозим.

#### **4. Солиқлар ҳисобини юритиш бўйича:**

- Солиқларни ҳисоблашда ҳамда бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва ҳукуматимиз бошқа қарор ҳамда меъёрий ҳужжатлари талаб ва қоидаларига мунтазам равишда амал қилиш, бюджет ва бюджетдан ташқари ажратмалар туловларини ўз вақтида амалга ошириш лозимлиги тўғрисида тушунча берилди.

#### **5. Молия-хўжалик операцияларни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларига амал қилиниши бўйича:**

- Молия-хўжалик операцияларни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари талабларидан четга чиқиш ҳолатларига йўл қўймаслик, молиявий-хўжалик операцияларни амалга оширишда мунтазам равишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мунтазам равишда амал қилиш ва раҳбарият назорати кучайтирилиши лозим.

#### **6. Активлар бутлиги бўйича:**

- Жамият мол-мулкларини инвентаризация қилишда ва унинг натижаларини ўз вақтида расмийлаштириш ва ҳужжатлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 02.11.1999 йил 833-сон билан рўйхатга олинган «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти(19-сон БХМС) талабларига амал қилиш лозим.

#### **7. Ички назорат ҳолати бўйича:**

- Шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатларни, ходимлар ҳисоби ва ҳисоботлари, корхона раҳбарининг ходимлар ва ишлаб чиқариш бўйича буйруқларини рўйхатга олиш, уларни ижросини таъминлаш, уларни адресатларга ўз вақтида етказилиши

*ИИМБ*

бўйича ҳамда бошқа ички назорат тизимлари бўйича ижроия органи назорат фаолиятини кучайтириш лозим.

Ҳисобот 2 (икки) нусхада тузилди ва бир нусхаси жамиятда қолдирилди.

**«NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT»**

**аудиторлик ташкилоти раҳбари, аудитор  
жамият бош директори :-**



**К.И.Тураев**

(Аудиторлик малака сертификати № 05648  
04 декабрь 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси  
Молия Вазирлиги томонидан берилган.)

**Аудитор:**



**М.Т. Жовлиев**

(Аудиторлик малака сертификати № 05584  
29 ноябрь 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси  
Молия Вазирлиги томонидан берилган.)

**«O'ZPARTAMPONA» АЖ директори в.б.**

**А.Файзуллаев**

**Бош ҳисобчи**



**А.Файзуллаев**

**Ҳисоботнинг бир нусхасини олдим:**

**А.Файзуллаев**

**07.05.2024 й.**